



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 11 август, № 165 (7123)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИМИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИДИР

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 10 август куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида пойтахтимиз туманларида бўлди.



Кейинги йилларда Тошкент шаҳрида мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Бугун пойтахтимиз том маънода қурилишлар майдонига айланган. Янги-янги иншоотлар, корхоналар, тиббиёт ва таълим муассасалари, спорт мажмуалари, равон йўллар, кўприklar, маҳалла гузарлари, бозорлар, боғлар, хиёбонлар фойдаланишга топширилди. Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Чилонзор туманидаги Бунёдкор ва Чўпонота кўчалари кесишмасида қурилган замонавий кўприкни бориб кўрди.

Пойтахтимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, тирбандликларнинг олдини олиш, пиёдалар учун қўлайлик яратиш мақсадида кўплаб кўприк ва йўлўтказ-

гичлар бунёд этилмоқда. Бунёдкор ва Чўпонота кўчалари кесишмасида қурилган замонавий кўприк шулардан биридир.

Шавкат Мирзиёев гоёси ва ташаббуси билан бунёд этилган ушбу иншоот қадим Тошкентнинг тарихий жозибасини сақлаган ҳолда, уни янгилаш, замонавий мегаполисга айлантириш, пировардида аҳолининг ўзогини яқин қилишда жуда муҳим аҳамиятга эга.

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятига қарашли «Кўприк қурилиш трести» унитар корхонаси бунёдкорлари томонидан қурилган йўлўтказгичнинг умумий узунлиги 667,5 метр, эстакада қисми 488,5 метр бўлиб, баландлиги 8 метр, кенглиги 24,5 метр. Кўприкда автомобиллар 6 қаторда ҳаракатланади. Шунингдек, 124 метрлик иккита пиёда-

лар ўтиш кўприги қурилди. Ногиронлиги бўлган ва кексаларга қўлайлик яратиш мақсадида лифт ва эскалатор ўрнатилди.

Давлатимиз раҳбари бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди, қурувчилар билан мулоқот қилди.

— Мамлакатимизда кўприк қуриш бўйича ўзига хос мактаб яратилди, — деди Президентимиз. — Ушбу кўприкни барпо этган бунёдкорларга алоҳида миннатдорлик билдираман. Бундан кейин қуриладиган кўприklar ҳам сифатли, жуда пухта бўлиши керак. Бир сўз билан айтганда, кўприklar ҳам бизнинг бунёдкорлик тимсолимизга айланмоғи зарур.

Объект қурилишида 50 га яқин техникалар, 250 дан зиёд ишчи-ҳодимлар иштирок этди. Йўлўтказгич қури-

лишида 35,7 минг куб метр тупрок, 42,6 минг куб метр бетон ишлари бажарилди. Худудда ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, атроф кўкаламзорлаштирилди ва манзарали дарактлар ўтказилди.

Янги иншоотни лойиҳалаштиришда ёритиш тизими ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Унга кўра, кўприкка жаҳон стандартларига тўла жавоб берадиган энергия тежайдиган жиҳозлар ўрнатилди.

Шавкат Мирзиёев бундай иншоотларни қўлайлик ва хавфсизлик нуқтаи назарида пухта лойиҳалаштириш, сифатли ва замонавий қилиб қуриш зарурлигини таъкидлади. Ушбу майдон ва кўчаларда янада қўлайлик яратиш бўйича тавсиялар берди.

Шу ерда давлатимиз раҳбарига пойтахтимиз ва

худудларда мавжуд кўприklar ҳолати, янги режалар ҳақида маълумот берилди. АҚШнинг «CRAFCO» компанияси ишлаб чиққан махсус техника ва ихчам механизациялар ёрдамида йўлўтказгич ва кўприklarни таъмирлаш лойиҳаси намойиш этилди. Мазкур компания йўлўтказгич ва кўприklarни мустаҳкамлаш ҳамда улардан фойдаланиш борасида инновацион технологияларни жорий қилишда дунёда энг илғор саналади.

Давлатимиз раҳбари лойиҳани кўздан кечириб, ушбу компания технологияларидан унумли фойдаланиш, бунинг учун мутахассислар малакасини ошириш борасида тегишли кўрсатмалар берди.

Президентимиз Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғини ҳам кириб кўрди. Боғни замонавий қилиб қайта қуриш, бу ерда очик ва ёпиқ аквапарк барпо этиш бўйича топшириқ берди. Боғдаги биронта ҳам дарахт кесилмаслиги кераклигини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев Шайхонтохур тумани Камолон маҳалласида қурилаётган кўп қаватли уйлари бориб кўрди, ёзувчи-шоирлар билан мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 18 апрелдаги «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи худудида Адиблар хиёбонини барпо этиш тўғрисида»ги қарорига мурофиқ, ушбу боғни халқимиз, авваламбор, ёшларимизнинг маданий-маърифий савиясини юксалтиришга хизмат қиладиган ҳар томонлама гўзал ва бетакрор масканга айлантириш, маънавий ҳаётимизда ўнмасиз қолдирган атоқли сўз санъаткорларининг тарихий хотирасини абадийлаштириш мақсадида боғ худудида Адиблар хиёбони, Ёзувчилар уюшмасининг янги биноси барпо этилди.

Хиёбон рўпарасида қурилаётган мазкур уй-жойлар ёзувчи ва шоирларга берилади. Қўлайлик учун биринчи қават-

да мактабгача таълим муассасаси ва оилавий поликлиника ташкил этилади.

Шавкат Мирзиёев қуриб битказилган хонадонлардан бирига кирди. Оилаларнинг тинч-фаровон яшаши, болаларнинг баркамол бўлиб улғайиши учун зарур шароитлар яратиш бўйича топшириқлар берди.

— Биз доимо зиёлиларни, ижодкорларни қўллаб-қувватлашимиз керак, — деди Президентимиз. — Улар яратган ибратли асарларни, шеърларни ёшларимиз қанча кўп ўқиса, маънавияти, маърифати юксалади, демакки, ватанпарвар бўлади. Ватанпарварлар қанча кўп бўлса, мамлакатимиз ҳам шунча тез раванқ топади.

Давлатимиз раҳбари боғчада болаларга яратилган шароит билан танишди.

— Мактабгача таълим тизими доимий эътиборимизда бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев. — Болалар айни боғча ёшида билимини тез ва осон ўзлаштиради, бир умрга эслаб қолади. Шунинг учун ушбу тизим ривожини билан боғлиқ масалалар доим диққатимиз марказида бўлиши керак.

Мактабгача таълим муассасалари учун услубий қўлланмалар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратиш, бу ишларга тажрибали ижодкорларни ҳам жалб этиш лозимлиги қайд этилди.

Шу ерда Тошкент шаҳри туманларида замонавий турархона мажмуалари, ишбилармонлик марказлари, дам олиш масканлари ва сайилгоҳлар қуриш, жамоат транспорти хизматини яхшилаш бўйича лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Президентимиз Бўзсув канали бўйида қурилган сайилгоҳни кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбари Шайхонтохур туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид лойиҳалар билан танишди.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

МАМЛАКАТИМИЗ ҚУРИЛИШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИГА

Мухтарам дўстлар!

Хурматли қурувчилар!

Сиз, азизларни! — мамлакатимизнинг қурилиш соҳасини раванқ топтиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган барча юртдошларимизни бугунги касб байрамингиз — Қурилиш соҳаси ҳодимлари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Мана шу қўтлуг айёмда сизларга ўз номидан, халқимиз номидан эзгу тилаклар ва чуқур миннатдорлик билдираман.

Биз сизларнинг тимсолингизда ўз меҳнати билан шаҳар ва қишлоқларимизда, бутун юртимизда янги ишлаб чиқариш корхоналари, муҳим ижтимоий объектлар, муҳташам уй-жойлар, йўл ва кўприklar барпо этиб, ҳаётимизни янада обод, гўзал ва тароватли этиш йўлида фидокорона меҳнат қилиб келаётган олижаноб касб эгаларини кўраимиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда, бутун мамлакатимиз каби, қурилиш соҳаси ҳам ўз тараққиётининг янги босқичига кўтарилмоқда.

Иқтисодиётимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар, ижтимоий ҳаётимиздаги улкан ўзгаришлар, жумладан, «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла» дастурлари доирасида белгилаб олган вазифаларимиз соҳа ривожини мутлақо янгича тарзда, замонавий илм-фан ва инновация ютуқлари асосида ташкил этишни талаб этмоқда.

Бунёдкорлик йўналишидаги ишларимизнинг миқёси ва кўламининг биргина «Обод қишлоқ» давлат дастури доирасида мамлакатимиздаги 159 та туманда 416 та қишлоқни ободонлаштириш бўйича ишлаб чиқилган бош режалар асосида қисқа муддатда 320 та мактаб, 231 мактабгача таълим, 148 та соғлиқни сақлаш муассасаси ва 77 та маҳалла фуқаролар йиғини бинолари, кўплаб кўча ва майдонлар, жамоат масканларида қатта қурилиш ишлари олиб борилаётганида кўриш мумкин.

Бу борада давлат-хусусий шериклик муносабатлари, қурилиш ташкилотлари ва аҳоли ҳамкорлиги каби янгича фаолият шакллари самарали қўлланаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

«Обод маҳалла» дастури бўйича 2018 йилда мамлакатимизнинг 148 та маҳалласида таъмирлаш, ичимлик суви, электр, табиий газ тармоқлари, ички йўллар, ижтимоий соҳа ва бозор инфратузилмаси объектларида қурилиш-таъмирлаш ишлари бошланиб, ўзининг дастлабки натижаларини бераётгани барчамизни, албатта, қувонтиради.

Бутун юртимизни қамраб олган ана шундай салмоқли ишларда, шунингдек, бу йил намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган 3,5 миллион квадрат метрдан иборат 28 435 та арзон уй-жойларни барпо этишда биз, аввало, сизларнинг профессионал малакангиз, билим ва тажрибангиз, юксак маҳоратингизга таянамиз.

Халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини оширишга бевосита хизмат қиладиган бундай эзгу ишлар ҳақида гапирганда, аҳоли пунктларини қуришда комплекс ёндашув асосида уй-жой, турли бино ва иншоотлар билан бирга, худудларда ижтимоий инфратузилма объектлари, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, таълим, тиббиёт ва маданият муассасалари, янги истироҳат боғлари ва хиёбонлар, фавворалар, болалар майдончалари ва спорт масканлари бунёд этилаётганини мамнуният билан таъкидлаш лозим.

2018 йилги Инвестиция дастури бўйича 1 114 та ижтимоий соҳа объектларида кенг қўламли қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари олиб борилмақда.

Бугунги кунда «сахродаги мўъжиза» деб эътироф этилаётган Қандим газни қайта ишлаш комплекси, юртимиздаги янги-янги эркин иқтисодий зоналар, саноат худудларидаги йирик объектлар қурилиши, турли коммуникация тармоқлари — буларнинг барчаси сизларнинг машаққатли ва шарафли меҳнатингиз натижаси эканини халқимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда қурилиш материаллари саноати жадал ривожланиб бораётгани ҳам соҳа тараққиётида муҳим роль ўйнамоқда. Биргина уй-жой бинокорлигида фойдаланилаётган сифатли қурилиш материалларининг 95 фоизи маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилаётгани бунга аққол тасдиқлайди. Энг муҳими, бундай ўзгаришлар қад кўтарётган иморатларнинг мустаҳкамлигини ва нархи нисбатан арзонлигини таъминлашга, янги иш ўринлари яратишга хизмат қилмоқда.

Айни пайтда замон, ислохотларимизнинг ўзи барча жаҳонлар қатори ушбу соҳада ҳам янги, янада долзарб вазифаларни олдимизга қўймоқда.

Хусусан, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, қишлоқларни туман марказлари билан боғлайдиган замонавий йўллар қуриш, намунавий лойиҳалар асосида янги боғчалар, мактаблар, оилавий поликлиникалар барпо этиш, бозор инфратузилмаси объектлари ва сервис шохобчаларини кўпайтириш, аҳоли ва пудрат ташкилотлар, тадбиркорлик субъектларини қурилиш материаллари билан марказлашган ҳолда таъминлаш тизимини йўлга қўйиш, қурилиш бозорини янги инновацион хизматлар билан тўлдириб бориш, соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш каби масалалар биз учун гоёат долзарбдир.

Ишонаман, қўлигиз, азму шижоатли Ўзбекистон қурувчилари бор билим ва тажрибаси, куч ва имкониятларини сафарбар этиб, бундай улғувор вазифаларни албатта шараф билан адо этадилар.

Азиз ва муҳтарам қурилиш соҳаси ҳодимлари!

Сизларни касб байрамингиз билан яна бир бор чин қалбимдан табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт ва хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида олиб бораётган хайрли ишларингизда доимо ютук ва муваффақиятлар ёр бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МАМЛАКАТИМИЗ ҚУРИЛИШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз қурилиш соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, республикаимизда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, қурилиш индустрияси ва миллий меъморчиликни ривожлантириш, тизимга илғор технологияларни жорий этиш, замонавий бино ва иншоотларни барпо этиш, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш борасидаги қатта хизматлари ҳамда соҳага оид давлат дастурлари ижросини таъминлашдаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирлансин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи»

Валломов Бахтиёр — Маргилон шаҳридаги «Файз-бинокор Олтириқ» хусусий қурилиш-монтаж корхонаси раҳбарининг ўринбосари, Фарғона вилояти

Хаджиматов Алимджан Аширматович — Юнусобод туманидаги «Ижодкор қурилиш бизнес» масъулияти чекланган жамияти қурилиш объекти бошлиғи, Тошкент шаҳри

Хошимбеков Қудратбек Зойтбекович — «Қишлоқ қурилиш инвест» масъулияти чекланган жамияти инжиниринг компанияси бош директори

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Жиемуратов Каллибек Елубаевич — «Ўзмахсусмонтажқурилиш» акциядорлик компаниясининг

«Нукус электромонтаж» масъулияти чекланган жамияти электромонтажчиси, Қорақалпоғистон Республикаси
Хомидов Тоҳиржон Абдурахмонович — Андижон туманидаги «Кўчма механизациялашган корхона» масъулияти чекланган жамияти директори, Андижон вилояти

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Абдиллаев Нематилла Аҳмаджонович — «Қувасойцемент» акциядорлик жамияти бош технологи, Фарғона вилояти

Абдушукуров Алишер Турсунович — Андижон шаҳридаги «Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш комбинати» масъулияти чекланган жамияти директори, Андижон вилояти

Арипов Аҳмеджан Алимович — Миробод туманидаги «Бити продакшн» масъулияти чекланган жамияти бош муҳандиси, Тошкент шаҳри

Ахмедов Илҳом Султонович — «Қишлоққурилишлойиҳа» масъулияти чекланган жамияти лойиҳа-қидирув институти бош директори

Жаумитбаев Кераматдин Шарапович — Нукус шаҳридаги «Голден Стар» қурилиш-таъмирлаш корхонаси раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси

Жўмартов Умирзок Азимович — Чиноз туманидаги «33-ҳўжалиklarаро кўчма механизациялашган колонна» масъулияти чекланган жамияти пайвандловчиси, Тошкент вилояти

(Давоми 2-бетда).



Эзгу ташаббус ва ҳамжиҳатлик

Пойтахтимиздаги «Туркистон» санъат саройида Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ҳодимлари куни муборакбод билан тантанали маросим бўлиб ўтди.

Кейинги пайтда шаҳару қишлоқларимиз қиёфаси тобора чирой очмоқда. Давлатимиз иқтисодий қудрати, халқимиз юксак бунёдкорлик салоҳиятининг амалий ифодаси бўлган замонавий тураржойлару муҳташам иморатлар, сўлим хиёбон ва боғлар, йирик саноат ҳамда маиший объектлар — буларнинг барчаси юртимиз аҳолисининг бугунги замонга мос фаровон ҳаёт кечиришини таъминламоқда. Айниқса, кўркам ва шинам уй-жойларнинг аҳоли талаб-истаклари асосида барпо этилиб, нисбатан арзон нархларда тақдим этилаётгани одамларнинг айни кўнглидан жой олаётир.

Биз шундай халқимизки, бунёдкорлик қон-қонимизга сингиб кетган. Қўшимча ҳовлисида иморат солиса, четда қараб тура олмаймиз. Унга қўлдан келганча ёрдам беришга, ҳашарга чиқиб, қурилишга қўлдан келганча ҳисса қўйишга ҳаракат қиламиз. Шу маънода, ҳозирги кунда бутун мамлакатимиз бўйлаб «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини ана шундай эзгу анъанана йўғрилган ташаббуслар самараси, десак, айни ҳақиқатдир.



2

Нодирбек ИБОДУЛЛАЕВ.

Дўстлик ва адолат куйчиси

Пойтахтимизда улуг оқин ва адиб Абай Қўнонбоев ҳайкали пойига гуллар қўйилди.

Ўзбек ва қозоқ халқлари азал-азалдан дўст-биродар, ахилликда яшаб келишган. Икки халқнинг тили, дини, қадриятлари бир. Қардошлиқ ришталари барча соҳада изчил ривожланаётганлиги бугун кўзга яққол ташланмоқда. Хусусан, адабий жараёндаги ришталар илдири ҳам мезгилга бориб тақалади. Чунончи, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 13 мартдаги “Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида”ги қарори дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

Эхтиром

Мазкур ҳужжатга кўра, шоирнинг “Сайланма”си ҳамда “Ўзбек ва қозоқ адабий алоқалари” номи адабий-таҳлилий мақолалар тўплами нашрга тайёрланиб чоп этилиши, оммавий ахборот воситаларида Абай Қўнонбоев ҳаёти ва ижодига доир туркум кўрсатув, эшиттиришлар, мақолалар берилиши ёшларимизнинг ижодкор асарлари билан чуқурроқ танишишга ундайди. “Абай асарларининг билимдон”и кўрик-танловининг ўтказилиши ўқувчи ва талаба-ёшларнинг шоир асарлари адабий-эстетик қимматини теран англаши ҳамда ки-тобхонлик маданияти янада юксалишига олиб келади. Ижодкор ҳаёти ва фаолиятига доир бадиий ҳамда ҳужжатли фильмларнинг намойиш этилиши, барча турдаги таълим муассасалари, меҳнат жамоалари, маҳаллаларда та-ниқли шоир ва ёзувчилар, олимлар иштирокида учра-шувлар, адабий кечалар ўтказилиши қардош қозоқ халқининг буюк масрифат-парвар шоири мероси ҳақидagi мавжуд тасаввур-ларни бойитади.

Қарорга биноан, шоир таваллуд топан кун — 10 август санасида Тошкент шаҳрида Абай Қўнонбоев ҳайкали пойига гул қўйиш



Абай Қўнонбоевнинг ҳайкали

қининг донишманд шоири Алишер Навоийнинг асар-ларини ўқиб, ундан ўрнак олмаган шоир кам. Классик адабиётимизнинг буюк қўқиси — Абай ҳам Навоийни ўзига устоз деб билган, истеъдодига таъ-зим қилган”.

Донишманд Абай бир мақоласида: “...ўзбеклар экмаган экин, улар олма-ган ҳосил, савдогарлари-нинг бормаган жойи йўқ... Хуллас, уларнинг қўлидан келмаган иш йўқ. Зийрак-лик, мохирлик, эпчиллик, уздабуронлик ҳам шулар-да, сиполик, одоб ҳам шу-ларда”, дея халқимизга юксак баҳо беради.

Буюк мутафаккир шоир Абай Қўнонбоевнинг ўз ватани ҳамда ўзбек халқи-га туйган муҳаббати унинг чинакам инсонпарвар, баг-рикенг ижодкор эканидан далолатдир.

Шу кунги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Абай Қўнонбоевнинг “Сай-ланма” асари ҳамда “Ўзбек ва қозоқ адабий алоқала-ри” номи тўпламининг тақдими ҳам ўтказилди.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳосан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Мақтабгача таълим

Форишда янги МТМ иш бошлади

Фориш туманидаги “Ўзбекистон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган “Бойчек” мактабгача таълим муассасаси қайта таъмирланиб болажонлар ихтиёрига топширилди.

— Боғчамиз ўтган асрнинг етмишинчи йилларида бунёд этилган, — дейди “Бой-чек” мактабгача таълим муассасаси мудираси Раъно Дауланова. — Муассаса-миз давлат дастури асосида мукаммал қайта таъмирланди ва замонавий қиёфа касб этди. Ушбу мақсад учун Давлат бюджетидан 5 миллиард сўмлик маблағ йўналтирилди.

Таъкидлаш керакки, мазкур мактабгача таълим муассасасида болажонларни давр талаблари руҳида тарбиялаш учун барча инновацион шарт-шароит ва имкониятлар мавжуд. Инглиз ҳамда рус тилларини ўргатиш учун алоҳида хоналар ҳам ташкил этилди.

Толибжон ЭРГАШЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Шахмат — ақл гимнастикаси.

Спортнинг ушбу турини мамлакатимизда кенг тарғиб этиш ва оммалаштириш, ёш авлоднинг мантиқий тафаккур даражасини ўстириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида ибратли ишлар амалга ошириляпти.

Бунди республикаимизда бир нафардан халқаро гроссмейстер, халқаро уста ва ФИДЕ устаси, шунингдек, тўрт нафар жаҳон чемпиони, икки нафар Осиё чемпиони борлигидан, қолаверса, шахматчиларимиз шу йилнинг ўзида, яъни 1 августга қадар 48 та олтин, 39 та кумуш ҳамда 25 та бронза, жами 112 та медални қўлга киритгандан ҳам билиш мумкин. Қувонарлиси, бу рақамлар йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан имзоланган навбатдаги ҳужжат, яъни “Ўзбекистон Респу-бликасида шахматни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор аини шу соҳани янада ривожлантириш, иктидорли ёш



шахматчиларни тайёрлаш, тармоққа малакали мураббий кадрларни жалб қилиш орқали юқорида қайд этилган натижаларни янада кўпайтиришга хизмат қилади.

Бунинг учун шахмат базаси ҳам йўқ эмас. Аини пайтда Шахмат бўйича Рес-публика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби, унинг 11 фи-лиали, шунингдек, 13 та нодавлат шах-мат клуби ҳамда муассасалари фаоли-ят юритаётир. Қарор, аввало, мавжуд ресурслар ўртасидаги мувозанатни му-вофиқлаштириши билан ҳам катта аҳамиятга эга.

Ҳужжат туфайли соҳага кирити-лаётган янгилıklar ҳақида тўхталиб ўтаск. Улардан бири — Қорақалпоғис-тон Республикаси, вилоятлар ва Тош-кент шаҳри туманларидаги 150 та умум-таълим мактабида мажбурий мактаб дастурлари доирасида, тажриба тари-

Норма ижодкорлигида инновация соҳада янги даврни бошлаб беради

Хуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг шаклланишида қонунчиликнинг мақбуллиги, мукамаллиги, халқчиллиги ҳамда самарадорлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Боиси ҳар бир фуқаро кундалик ҳаётида муайян хуқуқий муносабатларга киришади, тартиб-қоидалар билан тўқнаш келади. Бу жараёнда бир масаланинг бир неча турдаги хуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солиниши баъзан қарор қабул қилишда номувофиқликлар, ҳаттоликлар, зиддиятли вазиятларни келтириб чиқаради. Ортиқча сансалорлик, бюрократик тўсиқларнинг юзага келишига сабаб бўлади.

Депутат фикри

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 8 августдаги “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш кон-цепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони бу борадаги муаммоларни бартараф этишга қаратилган, норма ижодкорлиги фаолиятига янги, инно-вацион ғоялар ва усуллари татбиқ этишни назарда тутувчи, том маъно-даги тарихий ҳужжат бўлди.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда узоқ йиллар давомида янги, инно-вацион усул ва принципларнинг норма ижодкорлиги фаолиятига татбиқ этилмагани, бугунги кунда амалга оширилаётган ислохотларни тезкор ва самарали хуқуқий таъминлай ола-диган норматив-хуқуқий база шакл-ланишига ўзига хос тўсиқ бўлди.

Хусусан, идоравий ҳужжатларнинг салмоғи ҳаддан зиёд ошиб кетди. 1992 йилда норматив-хуқуқий ҳужжат қабул қилиш ваколатига эга субъект-лар 7 тани ташкил этган бўлса, бу-гунги кунга келиб улар сони 50 та-дан ошди. Бу эса жамиятдаги ижти-моий муносабатлар кўпроқ идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинишини кўрсатмоқда.

Рақамларга эътибор берсак, айни вақтда мамлакатимизда 15 308 та

норматив-хуқуқий ҳужжат амалда бўлиб, улардан 716 таси қонун, 1 253 таси Олий Мажлис қарори, 2 972 таси Президент Фармон ва қарорлари, 5664 таси ҳуқумат қаро-ри, 3 340 таси идоравий меъёрий ҳужжат ва 1 343 таси маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қароридир.

Шу билан бирга, норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг мазмуни муайян ихтимойий муносабатларни тартибга солишдаги аниқ шаклнинг белгилан-мағни хуқуқни қўлловчи субъектлар учун ҳам қийинчиликлар туғдир-моқда.

Кўриниб турибдики, давлатимиз раҳбарининг мазкур Фармони бил-лан тасдиқланган Норма ижодкор-лиги фаолиятини такомиллашти-риш концепциясида бу борадаги муаммоларни бартараф этишга қаратилган комплекс чора-тадбир-лар белгилангани билан аҳамият-лидир. Унда ривожланган давлат-лар, жумладан, АҚШ, Буюк Брита-ния, Германия, Жанубий Кореянинг энг ижобий тажрибаси, замонавий илм-фан ютуқлари ҳар томонлама ҳисобга олинган.

Ҳужжатда мамлакатимизда норма

ижодкорлиги фаолиятининг бир қатор устувор йўналишлари бел-гилаб берилди. Хусусан, эндиликда қонунчилик базасини тизимлашти-риш, ижтимоий муносабатларни хуқуқий жиҳатдан тартибга солиш барқарорлиги таъминланади. Норматив-хуқуқий ҳужжатларни ишлаб чи-қиш ва қабул қилиш жараёнлари си-фатини ошириш, шунингдек, улар-нинг ижроси мониторингини тако-миллаштириш чоралари қўрилади. Норма ижодкорлиги жараёнига за-монавий ахборот-коммуникация тех-нологиялари жорий этилган ҳолда, “ақли тартибга солиш” модели тат-биқ этилади. Фаолиятнинг институ-ционал асослари такомиллаштири-лади.

Фармон билан норма ижодкорли-ги соҳасида бир қатор янги тартиб-лар белгилаб берилди. Унга кўра дав-лат органлари томонидан қонунлар-ни, Президент ва Вазирлар Маҳжа-масининг қарорларини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш ташаббусига фа-қатгина ушбу органларнинг кўтари-лаётган масалалар ёки муаммолар-ни қонун ҳужжатларида назарда тутилган амалдаги нормалар ва маъмурий тартиб-таомиллар орқали қил қилиш ваколати бўлмаган тақдир-дагина йўл қўйилади.

Қонунларни Президент ва Вазир-лар Маҳкамасининг қарорларини қўллаш, улар қучга кирган пайтдан эътиборан ижросини ташкил этиш юзасидан қўшимча идоравий ҳужжат-лар қабул қилишга доир мажбури-ятлар юклатилмаган ҳолда амалга оширилади.

Бундан буён қонунчилик ташаб-буси хуқуқ субъектлари қонун ло-йиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритиш чоғида унга қонун ва қонуности ҳужжатларини та-комиллаштириш, ташкилий-техник чораларни амалга ошириш, шунинг-

дек, қонун лойиҳасини кенг қўламда тарқатиш ҳамда унинг мазмун-моҳи-яти ва аҳамиятини тарғиб қилиш бўйича масалаларни ўз ичига олган тадбирлар режасини илова қилади. Тадбирлар режаси эса, қонун Олий Мажлис Сенати томонидан маъқул-лаш билан бир вақтда Олий Мажлис палаталари томонидан унинг ижро-си устидан таъсирчан назоратни таъ-минлаган ҳолда тасдиқлашни тар-тиби жорий этилади.

Шу билан бирга, Фармон асоси-да Олий Мажлис ҳузуридаги Қонун-чилик муаммолари ва парламен-тадқиқотлари институтига Амалий чора-тадбирлар режасида назарда тутилган норматив-хуқуқий ҳужжат-ларни тайёрлашда масъул органлар ва ташкилотларга илмий-устурий ва ахборот-таҳлилий жиҳатдан кўмакла-шиш вазифаси юклатилди.

Қисқача айтганда, ушбу Фармон-да белгиланган мақсад ва вазифа-ларни ўз вақтида ҳамда сифатли ба-жариш олиб борилаётган ислохот-ларни тўлиқ хуқуқий таъминлашга, фуқароларнинг хуқуқлари, эркинлик-лари ва қонуний манфаатларини ҳар томонлама мустаҳкамлашга, тадбир-корлик субъектлари хуқуқлари кафо-латлари, ҳимоясига ва уларни қўллаб-қувватлашга, пировардида “Инсон манфаатлари — ҳамма нар-садан устун” принципини рўёбга чиқаришга қаратилган тизимлашти-ришлар ва самарали қонунчилик базасини шакллантиришга хизмат қилади.

Раҳимжон ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси депутати,
Олий Мажлис ҳузуридаги
Қонунчилик муаммолари ва
парламент тадқиқотлари институти
директори.

Қонун кучга кирди

Ижара шартномаси нотариал тасдиқланмайди

Ўзбекистон — салоҳияти юқори мамлакат. Мингйиллик тарихга эга қўҳна ва навқирон шаҳарларимиз, бетақрор миллий қадриятларимиз, йилнинг тўрт фаслини ўзида жо этган фусункор табиятимиз, барча дин учун муқаддас бўлган қадамжолар — ҳамма-ҳаммаси неча йилдирки, сайёҳларни ўзига оҳанрабодек тортиб келади. Шунинг учун ҳам сўнгги икки йилда туризмни мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоғига айлантириш йўлида тарихий қадамлар ташланди.

Инвестицияларни фаол жалб қилиш, соҳага инно-вацион ғоя ҳамда технология-ларни жорий этиш, шунингдек, мамлакатнинг бой табиий, ма-даний ва тарихий меросининг мавжуд ресурслари ва имко-ниятларидан ҳар томонлама самарали фойдаланиш ҳисо-бига туризмни ривожлан-тириш учун янада қулай шароитлар яратилмоқда. Президентимиз томонидан қабул қилинган қатор хуқуқий ҳужжатлар ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилляпти.

Бундай чора-тадбирлар натижасида, шунингдек, Ўзе-бистонга айрим давлатлар фуқаролари учун визасиз ре-жим жорий этилгани, унинг муддатлари узайтирилгани

юртимизга келаётган сайёҳ-лар оқимини кучайтирди. Ай-никса, 2018 йил 15 июлдан бошлаб хорижий фуқаролар мамлакатимизга кириш ви-засини расмийлаштириш учун Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломати-вако-латхоналари, консуллик идо-раларига мажбурий мурожа-ат этишлари бекор қилиниб, “e-visa.gov.uz” тизими, яъни электрон виза олиш тартиби татбиқ қилингани айни муд-дао бўлди.

Ушбу қулайлик сайёҳлар-да катта қизиқиш билан қу-тиб олинди. Буни биринчи ўн беш кун ичида қарийб 3000 га яқин кишилар электрон виза олиш учун мурожаат қил-ганидан ҳам билса бўлади.

Албатта, бундан буён юр-тимизга сайёҳлар оқими кес-кин кўпайиши табиий. Бу инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқат. Шубҳасиз, бу жара-ён юртимизда сайёҳлик ин-фратузилмасини янада тако-миллаштириш, тақдим эти-лаётган туристик маҳсулот-лар сони ва сифатини оши-риш, айникса, индивидуал туристлар учун қулайлик яратишни талаб қилади. Ту-ристлар учун ана шундай му-ҳим хизматлардан бири — қаршеринг тизимидир. Од-дий қилиб айтганда, қарше-ринг транспорт воситасини соддалаштирилган тартибда ижарага бериш хизмати бўлиб, дунёда кенг омма-лашган хизматлардан ҳисоб-ланади. Яъни чет элда бун-дай хизмат кўрсатадиган компаниядан транспорт воситасини ижарага олиб, қонуний равишда исталган манзилга бориш мумкин. Бу-нинг учун хизмат ҳақи билан эриш-иккита ҳужжатни тақдим этишининг ўзи кифоя.

Тан олиш керакки, шу пайт-га қадар мамлакатимизда қаршеринг хизматини қўра-сатиш учун бир қатор мурак-каблиқлар мавжуд эди. Ма-

салан, транспорт воситаси-ни ижарага олишга оид шартнома, албатта, нотари-ал тасдиқланиши керак эди. Бу, табиийки, ортиқча қоғоз-бозликка, сарсонгарчиликка олиб келарди. Бу, ҳатто, ички туризм учун ҳам мавжуд им-кониятлардан тўлақонли фойдаланиш имконини бер-мас эди.

Шу йилнинг 26 июль куни имзоланган “Иқтисодиётнинг жадал ривожланишини таъ-минлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қили-ниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси-нинг айрим қонун ҳужжатла-рига ўзгартиш ва қўшимча-лар киритиш тўғрисида”ги Қонун ушбу соҳадаги бўшлиқни хуқуқий жиҳатдан ҳал этишга қаратилгани би-лан аҳамиятлидир.

Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ко-дексининг 565-моддасида енгил автомобиллар ва мо-тотранспорт воситаларини ижарага бериш бўйича хиз-мат кўрсатадиган юридик шахслар жисмоний шахслар билан енгил автомобиллар ва мототранспорт воситала-рини ўттиз кунгача бўлган


муддатга ижарага бериш шартномаларини оддий ёзма шаклда тузишлари мумкин-лиги белгилаб қўйилди.

Бу янгилык, авваламбор, автомобилларни ижарага бер-увчи юридик шахслар ҳамда шу хизматдан фойда-ланиш истиғини билдирган жисмоний шахслар, респуб-ликаимиз фуқаролари, айник-са, хорижлик меҳмонлар учун қулай шароитлар яра-тади. Яъни меҳмонлар ва юртдошларимиз ҳайдовчи-лик гувоҳномасини тақдим қилиш орқали, бошқа ортиқ-ча ҳужжатсиз, оддий ёзма шаклда шартнома тузган ҳолда, 30 кун мобайнида енгил автомобиллар ва мото-транспорт воситаларини ижарага олишлари мумкин.

Умуман, янги қонданинг ҳаётга татбиқ этилиши бу-тун дунёда ривожланган қар-шеринг хизматининг мамла-катимизда ҳам оммалаши-ши, маҳаллий ҳамда хори-жий сайёҳлар учун қўшимча қулайликлар яратилишига хизмат қилади.

Ёлқин КАБУЛНИЯЗОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати
аъзоси.

Шахмат янада оммалаштирилади



килотлар билан ҳамкорликда улар-га зарур бўлган шарт-шароитларни яратиб беришга ёрдам қиламиз, қўшимча бино ва ётоқхона қуриш масалаларида ҳам кўмаклашамиз.

Қарорга мувофиқ, 2018 йил 1 сен-тебрдан бошлаб мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча шахмат клублари ҳамда шахматни ўқитиш ва шахмат-чилар тайёрлашни амалга оширувчи бошқа спорт муассасалари Ўзбеки-стон шахмат федерацияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан ке-лишилган ҳолда мажбурий аккредитациядан ўтказиш тартиби жорий этилмоқда.

Ўз навбатида, ҳар чоракда шахмат клублари ўзларининг фаолиятлари ҳақида Ўзбекистон шахмат федерациясига ҳисоботлар тақдим қилади. Бир ой муддатда барча шахмат клублари паспортлаштириш-дан ўтказилиши ҳам белгиланди.

Қисқаси, давлатимиз раҳбарининг ушбу қарори яна кўплаб заковат эга-ларини, мохир шахматчиларни кашф этиб, Ватанимиз байроғини янада баландларга қўтарди. Зеро, Ўзбекистон — шахмат оламида етакчи макве-га эга мамлакатлардан биридир. Бу ҳақиқатни бугун бутун жаҳон тан ол-моқда. Бизнинг ютуғимиз, ғуруримиз, фаҳримиз ҳам шулар билан боғлиқ.

Шахмат клублари кўп очилган, — дейди Ҳусан Турдиалиев. — Лекин у ерда шахмат татбиқ этилмаган. Чунки методик қўлланмаси ҳам, мураббий-лар ҳам йўқ. Шу боис чет элдан мута-хассисларни чақириб, клубларда му-раббийларни тайёрлаш бўйича курслар очилади. Клублар ўртасида танловлар ташкил этиш режалашти-рилган.

Дарвоқе, эндиликда Шахмат бўйи-ча Республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби фаолиятини тўлиқ ўзини-ўзи молия-лаштириш асосида олиб боради ҳамда ҳўжалик ва молиявий масалаларни мустақил равишда ҳал қилади.

— Ота-онам мени ёшлигимдан шахматга олиб келардилар, — дейди шахмат бўйича 4 карра Осиё чемпио-ни Ортиқ Нигматов. — Шунинг учун бўлса керак, ушбу спорт турига қизи-қишмни ўзгача. Умуман, шахмат ҳам-ма учун керак бўлган спорт тури, деб ўйлайман. Ақлни ривожлантиради, хотирани эса кучайтиради.

Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мултимедиа маркази материаллари асосида Раҳим ШЕРҚУЛОВ тайёрлади.

Хамкорлик

Меморандум имзоланди

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги — Japan International Cooperation Agency (JICA) томонидан “Кадрлар тайёрлаш учун стипендиялар ажратиш” лойиҳаси доирасида меморандум имзоланди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда икки мамлакат ўртасидаги дўстлик ва яқин ҳамкорлик алоқалари фан-таълим соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, хусусан, Ўзбекистонда инсон ресурсларини ривожлантиришга қўмаклашиш ҳамда ёш мутахассисларга Япониянинг нуфузли университетларида тахсил олиш имконини яратиш ўзига хос анъана тусини олаётгани эътироф этилди.

— Ушбу лойиҳадан кўзланган мақсад вазирлик ҳамда идоралар, таълим муассасалари, давлат компанияларида фаолият юритаётган ходимларнинг магистратура ва докторантура дастурлари бўйича ўқишни ташкил этишдан иборат, — дейди Япония халқаро ҳамкорлик агентлигининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Мунео Такасака. — Бунда асосий эътибор иқтисодиёт инфратузилмаларини такомиллаштириш, бизнес соҳаси, қонунчилик тизими, давлат маблағлари, қишлоқ хўжалиги ва сув ресурслари сингари йўналишларга қаратилади. Биз икки давлат ўртасидаги муносабатларни кенгайтиришдан манфаатдормиз.

Мухаммаджон АХМАДЖОНОВ.

Қоидалардан хабардорлик хатоларнинг олдини олади

БОЖХОНА

Сирдарё вилоятида жорий йилнинг ўтган даврида божхона назорати жараёнида битта диний мазмундаги, 12 та зўравонлик ва шафқатсизлик, 64 та беҳаёлики тарғиб қилувчи материаллар билан боғлиқ қоидабузарлик аниқланди.

Бундай ҳолатларнинг олдини олишда, албатта, тарғибот тадбирларининг аҳамияти катта. Шу боис вилоят божхона бошқармаси ходимлари таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар, маҳаллаларда давра суҳбатлари, юзма-юз мулоқотлар ўтказиб, аҳолига қонун талаблари, божхона тартиб-қоидаларини тушунтиришмоқда.

Анвар ҚОРАБОЕВ,
Сирдарё вилояти божхона бошқармаси
Ахборот хизмати раҳбари.

Маънавият

Бухоро шаҳридаги Биҳиштиён маҳалласи кутубхонаси бўлди.

Маҳалланинг ўз кутубхонаси бор

Абу Али ибн Сино номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази ҳамда маҳалла фаоллари ташаббуси билан ташкил этилган зиё маскани мингдан зиёд китоб фондига эга. Кутубхона хизмати-дан фойдаланувчилар сони эса қисқа муддат ичида 400 нафардан ошди. Бунда “Мен ўқиган китобни сен ҳам ўқи!” акцияси қўл кел-япти. Маҳалла ахли шахсий кутубхонасидаги китобларни ҳам зиё масканига тухфа қилмоқда.

Вилоят ахборот-кутубхона марказидан билдиришларича, эндиликда ҳар бир маҳаллада ана шундай кутубхоналар фаолияти йўлга қўйилади.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

O'ZSANOATQURILISHBANK

7 кун

хафтасига

24 соат

суткасига

Энди сизнинг бизнесингиз банкнинг кун тартибига боғлиқ эмас.

Банкда мижозлар ўртасидаги тўловлар кечаю кундуз давом этади.

Мижозларнинг ҳисоб рақамларидан тўловлар банк масъул ходимининг иштирокисиз тўғридан-тўғри маблағ олувчи ҳисоб рақамига ўтказилади.

Ҳисоб рақамидаги маблағларни ҳафтанинг исталган кунда ва ҳар қандай вақтида (24 соат, 7 кун) ўтказиш мумкин.

Жорий йилнинг 1 октябригача мазкур хизматга уланган мижозларга хизмат 3 ой давомида бепул тақдим этилади.

Хизматлар лицензияланган.

Қўшимча маълумотлар учун банкнинг барча филиали ҳамда расмий веб-сайти — www.uzpsb.uz ва (0-371) 233-63-78 телефон рақами орқали ҳам мурожаат қилиш мумкин.

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдосига «Тошшаҳарнур» ДУКга қарашли, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Қумариқ кўчаси, 3-уйда сақланаётган қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

- 138 дона 120 Вт.ли кўча ёритқичи (светильник светодиодный). Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 708 650 сўм, жами бошланғич баҳоси — 97 793 700 сўм.
- 195 дона МГ 150 Вт лампаси учун «FYZD» русумли кўча ёритқичи. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 318 000 сўм, жами бошланғич баҳоси — 62 010 000 сўм.
- 165 дона МГ 150 Вт лампаси учун «PHILIPS» русумли кўча ёритқичи. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 327 915,95 сўм, жами бошланғич баҳоси — 54 106 131,75 сўм.

Аукцион савдоси 2018 йил 11 сентябрь кuni соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2018 йил 7 сентябрь кuni соат 18.00.

Мазкур мулклар 2018 йил 11 сентябрь кuni сотилмай қолган тақдирда, уларнинг такрорий савдолари 2018 йил 18, 25 сентябрь, 2, 9 октябрь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2018 йил 18 сентябрдаги савдо учун — 14 сентябрь, 25 сентябрдаги савдо учун — 21 сентябрь, 2 октябрдаги савдо учун — 29 сентябрь, 9 октябрдаги савдо учун — 5 октябрь кuni соат 18.00.

Аукцион савдоси қолиби, деб топилган шахсга 10 банк кuni мобайнида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдоларда қатнашиш учун ариза, закатат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини «Respublika mulk markazi» МЧЖнинг «Давр банк» ХАТБ Олмасор филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22604000200571452001, МФО: 01121, СТИР: 200933850.

Гувоҳнома № 001805.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмасор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (0-371) 228-79-52.

«TO'PALANG HPD HOLDING» МЧЖ

қурилиш-монтаж, кадрлар ишини юритиш, иқтисод соҳалари бўйича малака ва тажрибага эга бўлган ёш мутахассисларни танлов асосида ишга қабул қилиш мақсадида

2018 йил август ойининг пайшанба кунлари соат 15.00 дан бошлаб соҳадаги етук мутахассислар иштирокида танлов эълон қилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 22-уй.
«Ўзбекгидроэнерго» АЖ биносининг ён томонидан қирилади.
Мўлжал: Ёшлар театри.
Автобуслар: 28, 69, 91, 115, 168, 173.
Мурожаат учун телефон: (+99895) 475-60-70.

000 «Butlash Garant Servis»

предлагает бетономешалки российского производства

1. Бетономеситель гравитационный MC-200

Технические характеристики:
MC-200, геометрический объем барабана — 200 л, время перемешивания — 120 секунд, объем готовой смеси — 110 л, объем загрузки — 150 л, номинальная мощность — 1 кВт, напряжение питания — 220 В/50 Гц, вес — 66 кг.

2. Бетономеситель гравитационный СБР-500А.1

Технические характеристики:
СБР-500А.1, геометрический объем барабана — 500 л, время перемешивания — 90 секунд, объем готовой смеси — 270 л, номинальная мощность — 1,5 кВт, напряжение питания — 380 В/50 Гц, вес — 270 кг.

Форма оплаты — перечисление.

000 «Butlash Garant Servis» реализует бетономешалки российского производства со склада в Ташкенте.

Адрес: г. Ташкент, Сергелийский р-н, ул. Олтин водий, 29А.
Телефоны: (+99897) 760-86-00, (+99890) 370-86-86.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 845. 77 972 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Ўзломлар (0-371) 232-11-15.

Тахририятга келган қўлаб олинган тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунали расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусахҳиш — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
“Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.25 Топширилди — 00.00 1 2 3 4 5 6